


Пайғамбарлар манҳажи ва диннинг талаби



15:21 / 28 август 756

Худҳуднинг сўзларига қулоқ тутсак, у биздан кўра хабарларни яхши етказган: **«Кўп ўтмай, у (Худҳуд) келиб, деди: «Сен билмаган нарсани билдим ва сенга Сабаъдан ишончли бир хабар олиб келдим»** (Намл сураси, 22-оят).

У: «Эшитиб қолдим», «ўқиб қолдим», «айтишдики», «менга хабар келишича» каби сўзларни айтмади. Балки: «ишончли бир хабар олиб келдим», деди.

Хўш, бунга нисбатан Сулаймон алайҳиссалом қандай йўл тутдилар? Тезда ўша маълумот асосида бир мавқени эгаллаб олдиларми? (Худди биз бугунги кунда (интернетда бир нарсани ўқиб қолсак, текширмасдан, дарров уни телефон тугмаларидаги «кўчириш» (копировать) ёки «қўйиш» (вставить) ишларини бажарганимиздайми?..).

Йўқ, албатта.

У зот Худҳуд ёлғон сўзлашга журъат қилолмаслигини билардилар. Шу билан бирга: **«У (Сулаймон) деди: «Кўрамиз, рост сўзладингми ёки ёлғончилардан бўлдингми»** (Намл сураси, 27-оят).

Демак, бирон хабар ёки маълумотни улашишдан аввал уни тўғрилиги, ишончлигини текшириш пайғамбарлар манҳажи ва диннинг талабидир. Ҳақиқат эканини аниқ билмаган маълумотингизни улашманг ҳамда

яхшиликларингизни зиёда бўлишига сабаб бўлувчи нарсаларнигина бошқаларга улашинг, баҳам кўргин.

Интернет маълумотлари асосида тайёрланди

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 3 август 03-07/4702-сонли хулосаси асосида тайёрланди.